

(Овердрафт кредити шартномаси НАМУНАСИ)

Кредитнинг тўлиқ қиймати

\_\_\_(\_\_\_\_\_) фоиз

сўз билан

**Жисмоний шахсларга миллий валютадаги банк карталари орқали очик линияли овердрафт кредити бериш тўғрисидаги шартномаси**

\_\_\_\_\_ **шаҳри** \_\_\_\_\_ **йил**

Бир тарафдан АТ «Алоқабанк» (бундан буён матнда «Кредитор» деб аталувчи) номидан \_\_\_\_\_ **йил** \_\_\_\_\_ **даги** \_\_\_\_\_ - сонли ишончнома асосида ҳаракат қилувчи АТ «Алоқабанк» \_\_\_\_\_ **директори** \_\_\_\_\_ ва иккинчи тарафдан \_\_\_\_\_ (бундан буён матнда «Қарздор» деб аталувчи) биргаликда **Тарафлар** деб аталувчи, ушбу Шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

**1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

1.1. **Кредитор Қарздорга**, иш ҳақи лойиҳасидаги № **xxxx-xxxx-xxxx-xxxx** **сонли** банк картаси (бундан буён матнда «БПК» деб аталувчи) орқали \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) **сўм** миқдорида йиллик \_\_\_\_\_% **устама** ҳақи тўлаш шarti билан \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) **ой** муддатга \_\_\_\_\_ **йилгача** шартномада назарда тутилган шартларда қайта тикланадиган (револьвер) шаклда кредит (бундан буён матнда «Овердрафт» деб аталувчи) ажратади, **Қарздор** эса ундан кредит беришнинг умумий қоидаларига (таъминланганлиги, муддатлиги, қайтаришлиги ва тўловлигига) риоя этган ҳолда фойдаланади ва қайтаради.

1.2. Овердрафтнинг тўлиқ қиймати \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) **фоизни** ташкил қилади ва у қуйидаги тўловларни ҳисобга олиб ҳисобланади:

- а) овердрафтнинг асосий қарзи – \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) **сўм**, \_\_\_\_\_ **тийин**;
- б) фоизлар бўйича тўловлар – \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) **сўм**, \_\_\_\_\_ **тийин**;
- в) суғурта тўловлари – \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) **сўм**, \_\_\_\_\_ **тийин**;
- г) гаров мулкани баҳолаш бўйича тўловлар – \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) **сўм**, \_\_\_\_\_ **тийин**;

д) «Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисида»ги Низом (рўйхат рақами: 3030-сон, 2018 йил 2 июль)нинг 1-иловасига асосан бошқа тўловлар – \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) **сўм**, \_\_\_\_\_ **тийин**.

**2. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

2.1. Шартнома кучга киргандан эътиборан 3 (уч) иш куни ичида **Кредитор Қарздорга** БПК орқали банк кредитидан фойдаланиш имконини берувчи ссуда ҳисобварағини очади ва шартноманинг **2.3-бандига** асосан овердрафт лимитини ўрнатади.

2.2. Шартнома суммаси \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) **сўмни** ташкил

этади. **Қарздор** шартнома муддати давомида овердрафтдан бир неча маротаба фойдаланиши мумкин.

2.3. Шартнома муддати 12 та даврга бўлинади ва ҳар бир давр учун алоҳида лимит белгиланади. Ушбу лимит суммаси Шартнома суммасига нисбатан камайиб бориш тартибида Шартномага илова қилинган ва унинг ажралмас қисми бўлган 1-жадвалга мувофиқ белгиланади.

2.4. Овердрафт бўйича йиллик \_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) **фоиз** миқдорида устама ҳақ ҳисобланади.

2.5. **Фоиз** ставкаси тури тарафларнинг келишувига кўра: Ўзгарувчан/Ўзгармас.

2.6. Овердрафтни асосий суммаси ва фоизларини тўлаш усули, тарафларнинг келишувига кўра: аннуитет/дифференциал.

2.7. Овердрафт бўйича фоизлар овердрафт берилган кундан бошлаб овердрафтни асосий қарзи сўндирилгунча бўлган давр учун овердрафт қолдиқ суммасига нисбатан кунлик ҳисобланади.

2.8. Шартнома бўйича **Қарздор**га кўрсатилган ва/ёки кўрсатилаётган барча банк хизматлари учун **Қарздор** амалдаги АТ «Алоқабанк» Тарифларига асосан хизмат ҳақи тўлайди.

2.9. Янги таҳрирдаги тарифларни АТ «Алоқабанк»нинг расмий веб сайти ([www.aloqabank.uz](http://www.aloqabank.uz))да эълон қилиниши, **Қарздор**ни бу ҳақда хабардор қилинган деб ҳисоблаш учун етарли бўлади ва унинг шартлари шартнома **Тарафлари** учун мажбурий ҳисобланади.

2.10. **Қарздор** овердрафтга ҳисобланган фоизларни **Кредитор**га ҳар ойнинг охири санасидан кечиктирмасдан тўлайди.

2.11. **Қарздор Кредитор**га овердрафт таъминоти сифатида қуйидагиларни тақдим этади:

---

2.12. **Қарздор** БПК ҳисобварағига кирим қилинган маблағлар дастурий равишда тўлиқ миқдорда овердрафт бўйича қарздорликларни сўндириш учун йўналтирилади ва овердрафт маблағидан фойдаланиш учун янги лимит шартноманинг **2.3**-бандига мувофиқ ўрнатилади.

2.13. **Қарздор**нинг БПК ҳисобварағига ҳар ой кирим қилинадиган ойлик иш ҳақи ёки бошқа турдаги келиб тушган маблағлар ҳисобидан овердрафт шартномаси шартларига мувофиқ кредитнинг асосий қарзи ва фоиз қарздорликлари сўндирилиб борилади. Бунда, биринчи навбатда, муддати ўтган пенялар, муддати ўтган фоизлар ва асосий қарз, кейинги навбатда ҳисобланган жорий фоиз қарздорлиги ва асосий қарз сўндирилади.

2.14. Кредит таъминоти сифатида гаровга қўйилган мулкка шикаст етказилганда ёки турли сабабларга кўра яроқсиз ҳолга келиб қолганда **Қарздор 10 (ўн) иш куни** ичида кредит таъминотига қўшимча равишда ликвидли мол-мулк, кафиллик ёки қонунчиликда белгиланган бошқа таъминот турини тақдим этади.

2.15. Кредит таъминоти сифатида кафиллиги қабул қилинган жисмоний ёки юридик шахслар тўлов қобилиятини йўқотган ҳолларда (масалан: ишсиз қолганда,

вафот этганда, турли сабабларга кўра меҳнатга яроқсиз бўлиб қолганда, банкрот бўлганда, фаолиятини тўхтатганда) **Қарздор 10 (ўн) иш куни** ичида кредит таъминотига қўшимча равишда ликвидли мол-мулк, кафиллик ёки қонунчиликда белгиланган бошқа таъминот турини тақдим этади.

### 3. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

#### 3.1. Кредиторнинг мажбуриятлари:

- шартнома имзолангандан сўнг 3 (уч) иш куни ичида **Қарздор**га ссуда ва бошқа зарур ҳисобварақлар очиш;
- **Қарздор** БПК эгасига белгиланган лимит доирасида овердрафт ажратиш;
- **Қарздор**нинг БПК ҳисобварағига кирим қилинган маблағларни Овердрафт кредитининг асосий қарзи ва фоиз қарздорликларини сўндиришга йўналтириб бориш;
- **Кредитор** «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги норматив ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига қатъий риоя қилиш.

#### 3.2. Кредиторнинг ҳуқуқлари:

- **Қарздор** томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда, кредитни, унинг фоизларини ҳамда ҳисобланган пеняларни талаб қилиши, ҳамда **Қарздор**нинг барча мол-мулкларидан ва таъминот ҳисобидан ундириш чорасини кўришга;
- **Қарздор** томонидан шартнома шартларининг бажарилиши, кредит таъминоти, овердрафт шартномаси шартлари тўғрисидаги маълумотларни Кредит ахбороти таҳлилий маркази кредит бюроси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Кредит ахборотининг давлат реестрига тақдим қилиб боришга;
- **Қарздор** томонидан Шартнома шартлари тўлиқ ёки қисман бажарилмаган тақдирда ва/ёки муддати ўтган қарздорлик юзага келганда, **Қарздор**нинг ўзидан ёки унинг иш берувчисидан ишдан бўшаганлиги ёки иш ҳақи кредитни қайтариш графиги бўйича қарздорликни тўлай олмайдиган даражада камайганлиги ҳақида маълумот олинган тақдирда шартномани ва овердрафт лимитини бекор қилиш ва БПКга таъқиқ қўйишга;
- **Қарздор**нинг овердрафт лимити белгиланган БПКга 2 ой муддат мобайнида унинг ўртача бир ойлик иш ҳақи/пенсия маблағларига тенг бўлган ойлик иш ҳақи/пенсия маблағлари тушмаса белгиланган лимитни бекор қилишга;
- шартнома бўйича мажбуриятлар тегишлича бажарилишини таъминлаш мақсадида **Қарздор**нинг банкдаги ҳар қандай ҳисоб рақамларидан ҳар қандай валютадаги пул маблағларини ечиб олишга;
- қонунчиликка мувофиқ, овердрафт бўйича қарзни сўндириш мақсадида кафилнинг ҳисоб рақамидаги маблағлари ҳамда кафилнинг мол-мулки ҳисобидан ундириш борасидаги ҳар қандай ҳуқуқлардан фойдаланишга;
- **Қарздор**нинг даромади (ойлик иш ҳақи) кредит тўловларини амалга оширишга етарли бўлмайдиган даражага камайган ҳолларда овердрафт лимитини бир томонлама камайтиришга ёки бекор қилишга;
- **Кредитор** қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда **Қарздор**ни

олдиндан хабар қилмасдан операцияларни тўхтатиб қўйиши (мажбуриятни бажаришдан бир томонлама бош тортиши) ва пул маблағларини ёки бошқа мол мулкени ишга солмасдан тўхтатиб қўйишга ҳақлидир.

### 3.3. Қарздорнинг мажбуриятлари:

- Овердрафт қолдиғи жорий давр учун белгиланган лимитидан юқори бўлса, мазкур тафовут суммаси **Қарздор** томонидан жорий даврнинг охириги санасидан кечиктирмасдан сўндирилади (лимит суммасидан тўлиқ фойдаланилганда 2-жадвалга мувофиқ);

- Овердрафт ажратиш учун **Қарздорга** тақдим этилган иш ҳақи даромадларининг овердрафт ажратилган БПКга тушишини таъминлаш (иш ҳақи даромадини бошқача тарзда олмаслик);

- Овердрафт қолдиғини шартномада кўрсатилган муддатларда БПК ҳисобварағига кирим қилинадиган ойлик иш ҳақи ёки бошқа турдаги маблағлар ҳисобидан, зарур ҳолларда БПКга нақд пул маблағларини кирим қилиш орқали сўндириб бориш;

- Ойлик иш ҳақи маоши миқдори камайган тақдирда бу ҳақда **Кредиторни** 5 (беш) иш куни мобайнида хабардор қилиш;

- Ишдан бўшаганда, меҳнат шартномаси бекор бўлган кундан кейин 1 (бир) иш куни ичида **Кредиторни** хабардор қилиш ҳамда овердрафт қарздорликларини муддатдан олдин сўндириш;

- Овердрафтдан фойдаланиш жараёнида кредитлашнинг асосий тамойиллари: муддатлилик, қайтаришлик, тўловлилик ва таъминлаганлик тамойилларига риоя қилиш;

- Овердрафтни расмийлаштириш ва олиш учун **Кредиторга** тақдим этиладиган/этилган барча ҳужжат ва маълумотлар, уларни тақдим этиш вақтида ҳақиқий ва ишончлилигини таъминлаш.

### 3.4. Қарздорнинг ҳуқуқлари:

- Белгиланган лимит доирасида овердрафт маблағларидан фойдаланиш;

- Овердрафт қарздорликларини муддатдан олдин исталган вақтда жарима санкцияларисиз сўндириш;

- Овердрафт қарздорлиги бўйича Банкдан маълумот олиш.

## 4. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Шартнома мажбуриятлари тўлиқ ёки қисман бажарилмаганда, томонлар амалдаги қонунчилик асосида жавобгардирлар.

4.2. **Қарздор** шартномага асосан овердрафтнинг асосий қисмини қайтариш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришни кечиктирган тақдирда овердрафтнинг муддати ўтган асосий қисмига ҳар бир кечиктирилган кун учун шартноманинг **2.4-бандидаги** фоиз ставкасининг **\_\_\_\_\_ баробари** миқдоридаги йиллик ставкада ҳисобланади.

4.3. **Қарздор** шартномага асосан ҳисобланган фоизларни қайтариш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришни кечиктирган тақдирда ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг **\_\_\_\_\_ фоизи** миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня

тўлайди.

4.4. Ҳисобланган пеня **Қарздор** томонидан 3 кунлик муҳлат ичида ихтиёрий тўлаб бериши учун талабнома юборилади. Талабнома бажарилмаган ёки жавобсиз қолган тақдирда банк пеняларни қарздорнинг ҳар қандай ҳисоб рақамларидан акцептсиз равишда кредит кўмитасининг қарори асосида мемориал ордер ёки тўлов талабномаси воситасида ундириб олиш ҳуқуқига эга.

4.5. Шартнома бўйича ўз мажбурятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган **Тараф** неустойкадан ташқари етказилган зарарни тўлиқ миқдорда тўлайди.

4.6. **Кредитор** кредит бериш мажбуриятини бажармаганда ёки ўз вақтида бажармаганда **Қарздор** олдида қонунчиликда белгиланган тартибда жавоб беради.

4.7. **Тарафлар** Шартнома бўйича ўз мажбурятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплаш ёки мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлиги учун ҳисобланган неустойкани тўлаш мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод қилмайди.

## 5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

5.1. Шартнома ёки унинг ижроси билан боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар томонларнинг келишуви билан ҳал қилинади.

5.2. **Тарафлар**нинг келишуви билан ҳал қилиб бўлмайдиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

## 6. ШАРТНОМАНING АМАЛ ҚИЛИШ МУДАТТИ

6.1. Шартнома **Тарафлар** имзолаган кундан бошлаб тузилган ҳисобланади ва юридик кучга киради.

6.2. Шартнома **Тарафлар** мажбуриятларини тўлиқ бажаргунга қадар амал қилади.

6.3. Банкнинг овердрафт бериш борасидаги мажбурияти шартномада белгиланган талаблар ва шартлар бажарилганидан кейин кучга киради.

## 7. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

7.1. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилиб, томонларнинг ҳар бирига бир нусхадан берилади.

7.2. Шартномада акс эттирилмаган ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги асосида тартибга солинади.

7.3. Шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар қўшимча келишув тузиш орқали расмийлаштирилади.

7.4. **Қарздор** амалга оширилган тўловлар ва овердрафт қарздорлиги миқдори (асосий қарз, фоиз, пеня қарздорлиги ва муддати ўтган қарздорликлар) ҳақида, шунингдек мазкур Шартнома билан боғлиқ бошқа ҳолатлар бўйича уяли алоқа воситалари орқали SMS хабарномалар юборилишига **Кредитор**га розилигини билдиради.

7.5. **Қарздор**нинг телефон рақами ўзгарган тақдирда 3 (уч) иш куни ичида

**Кредиторни** хабардор қилади, **Қарздорнинг** телефон рақами ўзгарганлиги, ишламаганлиги ёки янги рақамини **Кредиторга** тақдим қилмаганлиги сабабли **Қарздорга** SMS хабарномалар бормаганда **Кредитор** жавобгар ҳисобланмайди.

### 8. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«КРЕДИТОР»	«ҚАРЗДОР»
<p>АТ «Алоқабанк» _____</p> <p>Манзил: _____</p> <p>_____</p> <p>х/р: xxxxxxxxxxxxxxxxxxxxxxxx</p> <p>МФО: _____</p> <p>СТИР: _____</p> <p>Тел: _____</p> <p>АТ «Алоқабанк» _____ <b>директори</b></p> <p>_____</p> <p>_____</p> <p>(имзо)</p> <p>М.У.</p>	<p>_____</p> <p>Паспорт маълумотлари: _____</p> <p>_____ <b>томонидан</b></p> <p>_____ <b>йилда берилган</b> _____</p> <p>_____ <b>рақамли паспортга</b></p> <p><b>асосан</b> _____ <b>йилда</b></p> <p><b>туғилган.</b></p> <p>ЖШШИР: _____</p> <p>Рўйхатдан ўтган манзили: _____</p> <p>_____</p> <p>Яшаш манзили: _____</p> <p>_____</p> <p>(имзо)</p> <p>Тел: Уй (____) _____</p> <p>Мобил (____) _____</p> <p>Иш жойи (____) _____</p> <p>Пластик карта рақами /Амал қилиш муддати:</p> <p>_____ / _____</p> <p>_____ / _____</p> <p>_____ / _____</p> <p>_____ / _____</p>

**Овердрафт лимити.**

Давр	Муддат	Лимит миқдори
1-давр	____.____.____ - ____.____.____	100 фоиз
2-давр	____.____.____ - ____.____.____	100 фоиз
3-давр	____.____.____ - ____.____.____	90 фоиз
4-давр	____.____.____ - ____.____.____	80 фоиз
5-давр	____.____.____ - ____.____.____	70 фоиз
6-давр	____.____.____ - ____.____.____	60 фоиз
7-давр	____.____.____ - ____.____.____	50 фоиз
8-давр	____.____.____ - ____.____.____	40 фоиз
9-давр	____.____.____ - ____.____.____	30 фоиз
10-давр	____.____.____ - ____.____.____	20 фоиз
11-давр	____.____.____ - ____.____.____	10 фоиз
12-давр	____.____.____ - ____.____.____	0 фоиз (12- давр кутиш даври ҳисобланиб ушбу ойда овердрафт ажратилмайди)

**Овердрафтни қайтариш (лимитдан тўлиқ фойдаланилганда). Намуна.**

Давр	Муддат	Белгиланган лимит	Тўлов суммаси	Фоиз тўлови	Жами тўлов
1	05.01.2019 - 04.02.2019	10 000 000,0	0,0	369 863,0	<b>369 863,0</b>
2	05.02.2019 - 04.03.2019	10 000 000,0	0,0	332 876,7	<b>332 876,7</b>
3	05.03.2019 - 04.04.2019	9 000 000,0	1 000 000,0	369 863,0	<b>1 369 863,0</b>
4	05.04.2019 - 04.05.2019	8 000 000,0	1 000 000,0	321 780,8	<b>1 321 780,8</b>
5	05.05.2019 - 04.06.2019	7 000 000,0	1 000 000,0	295 890,4	<b>1 295 890,4</b>
6	05.06.2019 - 04.07.2019	6 000 000,0	1 000 000,0	250 274,0	<b>1 250 274,0</b>
7	05.07.2019 - 04.08.2019	5 000 000,0	1 000 000,0	221 917,8	<b>1 221 917,8</b>
8	05.08.2019 - 04.09.2019	4 000 000,0	1 000 000,0	184 931,5	<b>1 184 931,5</b>
9	05.09.2019 - 04.10.2019	3 000 000,0	1 000 000,0	143 013,7	<b>1 143 013,7</b>
10	05.10.2019 - 04.11.2019	2 000 000,0	1 000 000,0	110 958,9	<b>1 110 958,9</b>
11	05.11.2019 - 04.12.2019	1 000 000,0	1 000 000,0	71 506,8	<b>1 071 506,8</b>
12	05.12.2019 - 04.01.2020	0,0	1 000 000,0	36 986,3	<b>1 036 986,3</b>
	<b>ЖАМИ</b>		<b>10 000000,0</b>	<b>2 709 863,0</b>	<b>12 709 863,0</b>